

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ НОШИРЛИК ФАОЛИЯТИ ТҮҒРИСИДА**

### **1-модда. Ноширлик фаолияти түғрисидаги қонун хужжатлари**

Ўзбекистон Республикасида ноширлик фаолияти соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонун ва бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида ноширлик фаолияти соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун хужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида Ўзбекистон Республикасининг ноширлик фаолияти түғрисидаги қонун хужжатларидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **2-модда. Ноширлик фаолиятининг эркинлиги**

Ноширлар ўз фаолиятларида, шу жумладан ноширлик йўналишини, мавзуларини, ихтисослашувини, чиқариладиган маҳсулот нусхасини белгилашда, муаллифни танлашда Ўзбекистон Республикасининг **Конституцияси** ҳамда қонун хужжатлари доирасида мустакилдир.

Ношир ва буюртмачи ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида тартибга солинади.

### **3-модда. Цензурага йўл қўйилмаслиги**

Нашрга тайёрланган қўлёзмалар ва материалларни цензурадан ўтказишга йўл қўйилмайди.

### **4-модда. Ноширлик фаолияти эркинлигини сунистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги**

Матбаа маҳсулотида конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш, давлат аҳамиятига молик сирларни ошкор қилиш, уруш, зўравонлик ва беҳаёликни тарғиб қилиш, диний ва миллий нифоқ солиш, инсон шаъни ва қадр-қимматини камситиш, туҳмат қилиш ман этилади.

Ноширлик фаолиятида монополияга, шунингдек ноширлик фаолияти эркинлигидан қонун талабларига зид келадиган мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### **5-модда. Ноширлик фаолияти мониторинги ва назорати**

Нашриётларнинг (ноширларнинг) ноширлик фаолияти түғрисидаги қонун хужжатларига риоя этишлари мониторинги, шунингдек лицензия талаблари ва шартларига риоя этишлари устидан назорат ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

 LexUZ шарҳи

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июнданги 274-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги түғрисидаги Низомга асосан Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситалари, ахборотлар алмасиши,*

*матбуот, ноширлик, матбаачилик фаолияти ҳамда даврий нашрларни тарқатиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши борасидаги вазифаларни ҳал этиши учун ваколат берилган давлат бошқаруви органи ҳисобланади.*

*(5-модда Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги 447-II-сонли Қонуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 8-модда)*

*Олдинги таҳиррга қаранг.*

## **6-модда. Ноширлик фаолиятини лицензиялаш**

Юридик ва жисмоний шахслар ноширлик фаолиятини лицензия олганидан кейин амалга оширишга ҳақли.

Ноширлик фаолиятини лицензиялаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

 LexUZ шарҳи

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июнданги 275-сон қарори билан тасдиқланган Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом.*

*(6-модда Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги 447-II-сонли Қонуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 8-модда)*

*Олдинги таҳиррга қаранг.*

## **7-модда. Лицензиялар беришда давлат божларининг имтиёзли миқдорлари**

Болалар адабиёти, ўқув адабиёти, норматив маълумотномалар, фан ва техникага оид адабиётни нашрга тайёрлаш ва уларни нашр этиши учун лицензия берганлик учун давлат божларининг имтиёзли миқдорлари белгиланиши мумкин.

*(7-модда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚҲТ, 2013 й., 18-сон, 233-модда)*

## **8-модда. Муассис**

Юридик ва жисмоний шахслар нашриётлар ва матбаа корхоналарининг муассислари (ҳаммуассислари) бўлиши мумкин.

Муассис (ҳаммуассис) ноширнинг ихтисослашувини белгилайди ва унинг уставини тасдиқлайди.

## **9-модда. Ношир**

Ношир:

нашриётга, матбаа корхонасига, шунингдек матбаа маҳсулотларини тарқатувчи бошқа корхоналарга муассис (ҳаммуассис) бўлиш;

мавзулар бўйича матбаа маҳсулотлари чоп этиши режасини мустакил равиша тузиш ва тасдиқлаш;

Ватанимиз муаллифларининг асарларидан чет элларда ва чет эллик муаллифларнинг асарларидан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш, уларни чоп этиши ва тарқатиш тўғрисида чет эл юридик ва жисмоний шахслари билан шартномалар тузиш ва бу ишда воситачилик қилиш;

*Олдинги таҳиррга қаранг.*

матбаа маҳсулоти тайёрлаш ҳамда нашр этиши учун буюртмалар олиш, ўз маҳсулотини реализация қилиш;

(9-модданинг бешинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги 447-II-сонли Қонуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 8-модда) қонун хужжатларига мувофиқ ўзга фаолиятни амалга ошириш хукуқига эга.

### **10-модда. Матбаа маҳсулотларини тарқатиш тартиби**

Матбаа маҳсулотларини тарқатиш муассис, ношир, матбаачи ва муаллифнинг келишувига мувофиқ ёки шартнома асосларида ўзга юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Матбаа маҳсулотини тарқатиш шартнома асосида амалга оширилади.

Матбаа маҳсулоти ношир ёки унинг ваколати билан иш кўрувчи шахс рухсат берганидан кейингина тарқатувга чиқарилади.

### **11-модда. Нашрга доир маълумотлар**

Матбаа маҳсулотининг нашрга доир маълумотлари қонун хужжатлари билан белгиланади.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунинг 18-моддаси.

### **12-модда. Муаллифлик нашрлари**

Юридик ва жисмоний шахслар ўз қўлёзмалари ва бошқа материалларни қонун хужжатларида белгиланган талабларга зид келмайдиган ҳолларда ўз маблағлари ҳисобидан чоп этиш ва тарқатишга ҳақлидир.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Мазкур Қонунинг 4-моддаси.

### **13-модда. Имтиёзли нашрлар**

Болалар адабиёти, ўқув адабиёти, фан ва техникага оид адабиёт, норматив маълумотлар, қомусий қўлланма ва экспорт учун мўлжалланган матбаа маҳсулотлари, шунингдек кўзи ожизлар ва ногиронлар учун мўлжалланган нашрлар имтиёзли асосда чоп этилиши, қоғоз ва бошқа ресурслар, шу жумладан матбаа қуввати билан таъминланиши мумкин.

 LexUZ шарҳи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июнданги ПФ-1791-сонли «Хукуқий тарбияни яхшилаш, аҳолини ҳукуқий даражасини юксалтириш, ҳукуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиши ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармонига асоссан, аҳолига сотиладиган ҳукуқий илмий-оммабон адабиётлар ва кўргазмали қўлланмалар қийматининг 50 фоизи давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

### **14-модда. Матбаа маҳсулотини олиб чиқиш ва олиб кириш**

Матбаа маҳсулотини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш, худди шунингдек Ўзбекистон Республикасига чет эл матбаа маҳсулотини олиб кириш ва тарқатиш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## **15-модда. Ноширлик фаолиятини тугатиш**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ноширлик фаолияти лицензия белгиланган тартибда бекор қилинганда ёки унинг амал қилиши тугатилганда, шунингдек қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда тугатилади.

*(15-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги 447-II-сонли Қонуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 8-модда)*

## **16-модда. Ноширлик фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларини бузганлик учун жавобгарлик**

Ноширлик фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1996 йил 30 август,  
274-I-сон

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 137-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 18-сон, 233-модда)*